

АНДИЖОНЛИКЛАР ТАШАББУСИ ПАХТАКОРЛАРНИ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ОТЛАНТИРМОҚДА!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ



«КИЗИЛ УЗБЕКИСТОН»

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ
СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО
КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО
СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши
№ 208 (11.957)

Сешанба, 5 сентябрь 1961 йил.

Баҳоси 2 тийин

Етиштирилган
ҳосилнинг асосий
қисмини КПСС
XXII съезди очи-
ладиган кунгача
йиғиб-териб олай-
лик.



Мамадали ака, пахтаминнинг сифати яхшими? — деб сўрайди бригадир.
—Жуда яхши! Бундан яхшиси бўлмайди, Каримбой. Фото-
граф Мамадали Имомов билан Каримбой Рузиевни худди шу-
дай суҳбатлашиб йшлаётган да суратга олди. Каримбой Рузиев
бошлиқ бригада аъзолари 126 гектар эрини ҳар гектардан 46
центнердан пахта тошириш учун курашиб, мўл ҳосил етишти-
рдилар. Сталин райониди «Коммунизм» колхозининг ҳамма
бригадалари каби Каримбой бошлиқ бригадада ҳам
давлатга фақат сифатли пахта тошириш учун кураш кетмоқ-
да. Бригада аъзолари пахта йиғим-теримини уюшқонлик билан
бошлаб, дастлабки тонна сн фақли пахтаин давлат омборига
жунадилар. Л. Мейнерт фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҲАММА ДАЛАГА, ПАХТА ТЕРИМИГА!

Республикамизнинг колхоз ва совхозларида пахта териш ва уни давлатга тошириш кун сайин кучайиб бормоқда. Шундан етти йилликнинг катта магистрат йўлларида янги ҳосил ортқилан қилди карвонларнинг қатори кетма-кет узмаётганлиги, ҳозирнинг ўзидек кунига 200 килограмм ва ундан ҳам ошириб пахта терилган чевардан сафи тобора кенгайиб бораётганлиги бу йил пахтанинг илгариги йилларга қараганда анча барвақт очилганлигидан, йиғим-терим ишларининг энг қизғин ва масъулиятли даври бошланганлигидан далолат бериб турибди.

Ана шундай масъулиятли пайтда Совет Иттифоқининг энг йиллик пахтакор району, Ленин ордени Андижон области пахтакорларининг овози бутун республикамиз бўйлаб янграб эшитилди. Яқинлашиб келаятган КПСС XXII съездини муносиб кутиб олсин, халққа, партиёга, Ватанга аўр тўғрда ҳозирлаш тўғриси билан фидоикорона меҳнат қилаётган андижонликлар пахта теримини кенг авл қилдириб юбориш қизғин қиздирилган кунгача, колхозларинг ва «Узел-хотел» устаконларининг ишчларига, республикамизнинг барча меҳнатқилларига мурожаат қилдилар. Қишлоқ хўжалик ходимларининг область кенгашида қабул қилинган ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқуланган бу мурожаат газетамизнинг 3 сентябрь соннда эълон қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети барча область ва район партия комитетлари зиммасига етиштирилган бутун ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш учун, пахтанинг сифати учун, КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенгроқ авл қилдириш вазифасини юқлади. Андижонлик пахтакорларнинг ватанпарварлик ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва унга қўшилди, ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш учун умумхалқий ҳаракатни бошлаб, кўпнинг килограмм теримчилар ҳаракатини кенгайтириш—партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик ораганлари, колхоз правленелари, совхоз дирекциялари ва барча пахтакорларнинг энг муҳим бурчидир.

Андижонлик пахтакорларнинг масъулиятга амал қилиб, пахта йиғим-терими даврида ишга шундай ташкил қилин керакки, теримнинг дастлабки кунларидадоқ ҳамма хўжалиқларда кундалик ва беш кунлик графиклар тўла ва ошириб бажарилсин, пахтанинг бир граммининг ҳам ноубуд қилмай, жадал териб олиш ва давлатга нуқул биринчи сорт «оқ олтин» тошириш учун бутун куч ва воситалар сафарбар этилсин. Колхоз правленелари ва совхоз дирекциялари ҳар бир теримчининг унумли ишлари учун далачилик бригадаларида иссиқ овқа ташкил этишлари, болалар боғчаси ва яслисининг намунали ишларларини таъминлашлари, колхозчиларга ва совхоз ишчиларига маданий-маиший хизматни янада кучайтиришлари керак.



Янгийўл районидида Свердлов номи колхоз пахтакорлари андижонликларнинг тақрирларини маъқуллаб, уларнинг ташаббусига қўшилдилар. Колхознинг Насиба Эргашева бошлиқ 7-бригадаси аъзолари шу кунларда пахта теримини тобора кучайтиришмоқда. Бу бригадада ҳосилнинг асосий қисмини партия XXII съезди очилдириган кунгача йиғиб-териб олиш пиланлаштирилди. Шу мақсадда ҳосилни йиғиштириб олишда механизмлардан кенг фойдаланилади. Ҳозир машина теримига ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган. Андижонликларнинг мурожаати билан танишар экан, бригада бошлиғи Насиба Эргашеванинг ўзи ҳам бу йил терим машинасини янада унумли ишлатишига аҳд қилди. Суратда Насиба ЭРГАШЕВА бригада аъзоларига Андижон область пахтакорларининг мурожаатини ўқиб бермоқда.

«Кўпнинг килограммчилар» бригадаси хирмонда иш қизғин. Пахта қоп-қопларига жойлашмоқда Хирмонга мўлқ сайин этак-этак пахта келиб турибди. Бригада бошлиғи Турғунбой ҳозиргина теримчилар олдидан келди. Аммо, бир оз ҳам дам олмасдан пахта қоплаётган колхозчиларга ёрдамлаша бошлади.
Шу вақт хирмонга келган Ҳикमतой терган пахтасини тарозига қўйди Бригадир унинг пахтасини кўздан кечирди-да, сифати бузилмаганини, сотларининг аралашмаганини қўриб теримчининг елкасига қўқди:
— Яшанг, Ҳикमतой, тоза терибди. Энди суръатин ҳам бўзишармоқчи келсин.
Ҳикमतой ўтган йил хирмонга 15 тонна пахта тўқмак эди. Бу йил эса, КПСС XXII съезди очилдириган кунгача 10 тонна йилдан кўпроқ хаммаси бўлиб 18 тонна пахта териш учун курашмоқда.

Сариосиё районидида Сталин номи колхозининг Турғунбой Э. АШУРОВ.

БИР КУНДА 300 ТОННА

ҚУВА. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Район меҳнатқиллари съезд олди мусобақасига қўшилди. Ватанга 41 миң тонна пахта етказиб бериш учун курашни тобора кучайтирмоқдалар. Барча хўжалиқларда ғуза парварини давом эттириб, пахта йиғим-теримига қизғин юришилди. Биринчи қизил карвон заводга қараб йўл олди.
Янги ҳосил карвонини «ИП-0.1-58» маркали юк автомобиласи бошлаб бермоқда. Машина кабинасидан шофер Абдулла Муллажонов У «Коммунизм» колхозининг 3 тонна пахтасини юқлаган.

Бундай машиналарнинг сон-саногини йўқ.
Етти йилликнинг учинчи йили янги ҳосил мусобақати билан элнинг бўли Район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Х. Эримотов пахтакорларни қизғин табриқлади, пахта йиғим-теримини уюшқонлик билан бошлаб юборган ва биринчи бўлиб «оқ олтин» тоширган илгөрларнинг номларини алоҳида кўрсатиб ўтди.

Андижон пахтакорларининг ватанпарварлик ташаббуси асосида район колхозларидан олинган социалистик мажбуриятини байрамгача бажариш учун кураш қилиб кетди. Бу курашда Карл Маркс номи, «Коммунизм», «Социализм», Ленин номи колхозлар олдинги сафда бермоқда.
Етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишнинг кучайтириб юбордиқ — дейди «Социализм» колхозининг раиси Н. Усмонов.— Бугун биз йиллик планининг 2 проценти миқдорда — 102 тонна пахта келтирдик. Неймат Қирғизов, Усар Умаров, Амурмет Эминчаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг пахтакорлари йиллик планининг 8-11 проценти миқдорда пахта тошириб, қизил карвонга катта ҳисса қўшдилар. Теримчилардан Тожиҳон Рустамова, Қоряхон Қирғизбоева, Солижон Арслоновлар беш кунда 1500-1700 килограмм пахта тердилар.

«Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи Тожиҳон Зокиров 60 тонна «оқ олтин» келтирганини айтиди Пахта заводининг директори С. Каримов, ишчи Маллабой Акбаровлар пахтакорларини янги ҳосил билан табриқладилар.
Район пахтакорлари бир кунда 300 тоннадан кўпроқ биринчи сорт пахта тоширдилар.

ПЛАН СЪЕЗДГАЧА БАЖАРИЛАДИ

ҚОРАҚУЛ. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). «Октябрь» колхозиди пахта териш ва тошириш кундан-кунга кучаймоқда. Кеча колхозда йиллик планининг 1.5 проценти миқдорда пахта терилди. Колхознинг Жумагул Бурхонова, Ҳайрулла Ҳасанов, Эшонкул Нибозов ўртоқлар бошлиқ бригада-ларида кунига 3 процентга етказиб пахта терилмоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шарофат Баракеева бошлиқ бригада аъзолари йадада унумли ишламоқдалар. Бу бригадининг илгөр теримчиси Гўзал Маъсумова кунига 200 килограмм ва ундан ошириб пахта термоқда.
«Октябрь» колхозининг аъзолари партия съездини йиллик планини бажариш билан кутиб олиш учун терим суръатини тобора оширмоқдалар.

Областлар	Дон	Гўшт	Сут	Тухум	Жун
Тошкент	101,6	71,2	61,2	89,2	81,5
Фарғона	68,7	49,6	103,4	107,9	—
Андижон	66,1	48,7	97,5	93,2	—
Самарқанд	72,0	51,2	57,4	95,9	56,4
Бухоро	47,9	54,4	97,4	50,6	—
Сурхондарё	59,8	50,2	50,6	92,0	53,2
Хоразм	64,4	50,3	99,9	83,5	—
Қорақалпоғистон АССР	—	—	—	—	—
АССР	51,1	35,0	94,5	62,3	—

Медиклар халқаро форуми қатнашчилари Тошкентга кела бошлади



Москва, Ленинграднинг, Украинани, Беларусиянинг, Ўзбекистон, Болгариянинг, Франциянинг, Германиянинг, Польшани, Кубани, Руминиянинг, Аргентинани, Кипрни, Исроилни, Судани, Сомали, Того, Эфиопия делегатлари катерида етиб келдилар. Чет эллик меҳмонларни самимий кутиб олдилар. Меҳмонлар орасида атоқли врачлар, илмий муассасаларнинг раҳбарлари, медицина ўқув юртларининг ўқитувчилари бор. Хитой Халқ Республикасини, Германия Демократик Республикасини, Польшани, Вьетнам Демократик Республикасини, Куба Республикасини, Аргентинани, Кипрни, Исроилни, Судани, Сомали, Того, Эфиопия делегатлари катерида етиб келдилар.
4 сентябрь кунги кечқурун Тошкент Болгария, Бирлашган Араб Республикаси, Ироқ, Лиан, Покистон, Рабон, Марокаш, Камерундан келган конференция қатнашчиларининг яна бир катта гуруҳининг кўтиб олдди.
Бошқа бир қанча мамлакатлардан медек олимларнинг келиши кутилмоқда (ЎзТАГ).

СУРАТДА: конференция қатнашчиларидан (чапдан ўнгга) Дан Ван Нгу (ВДР), Аттиенс Мена (Того), Хоанг Тих Минь (ВДР), Жан д'Альмейда (Того) ва Тесфайе Кидане-Мария (Эфиопия). Конференцияга бағишланган материалларни газетамизнинг учинчи саҳифасида ўқийсиз.

СОВЕТ РАХБАРЛАРИ ФРАНЦИЯ МИЛЛИЙ ВИСТАВКАСINI БОРИБ ҚУРДИЛАР

МОСКВА, 4 сентябрь. (ТАСС). Бутун Н. Г. Игнатов, А. Н. Кокин, Д. С. Полвиский, М. А. Суслон, Н. С. Хрущев ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раксининг ўринбосари К. Н. Руднев Москвадаги француз миллий виставкасини бориб қўрдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Азиз Никита Сергеевич! Мен Қўриқ ўлка қишлоқ хўжалик илгөрларининг кенгашида сўзга чиқиб, гўшт учун боқилдиган инкишаар новосларнинг тирик вазиини 425 килограммгача етказиб мажбуриятини олган эдим. Бу мажбуриятнинг бажарилганлигини Сизга маълум қиламан. 1961 йилнинг саккиз ойи мобайнида мен хизмат қилаётган пододадан гўшт учун 158 бош новос тоширилди. Ҳар бир новоснинг ўртача

Франциянинг СССР даги элчиси Морис Дежан, виставканинг бош комиссари Робер Бордаз, француз виставкаси маъмуриятининг аъзолари виставка дарвораси олдига чиқиб, совет раҳбарларини кутиб олдилар.
Занк-шавқга тўла қаҳрамон халқимиз аўр гайрат ва юксак иқодий кўтарилиш билан жонгажон Коммунистик партиянинг шонли XXII съездини кутиб олмақда. Пахта далаларида съезд олди социалистик мусобақасини янада кенг авл қилдирайлик, терим суръатини кундан-кунга қадалаштириб, давлат хазинасини «оқ олтин»га тўлдирайлик!
«Чулқосандиқ» совхозининг старший чўпон, Абдуали САМАЙБОВЕВ.

